

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДАХМЕТОВА ШАХНОЗА РАВШАНБЕКОВНА

**ОРГАНИК КИМЁГА ОИД ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Сайдахметова Шахноза Равшанбековна Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштириш.....	3
Сайдахметова Шахноза Равшанбековна Совершенствование методики изучения экспериментов по органической химии.....	23
Saydakhmetova Shakhnoza Ravshanbekovna Improvement of methods for studying experiments in organic chemistry.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Сайдахметова Шахноза Равшанбековна

**ОРГАНИК КИМЁГА ОИД ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped1989 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzicps.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Ходжаниязов Хамид Уткирович
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Бозорова Саодат Жамолевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Миллий Университет

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» 12 соат 1209 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100174 Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» 12 да тарқатилди.
(2021 йил 16.12 даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Ш. Сагдуллаев
Бир марталик Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.К. Хидирова
Бир марталик Илмий даражалар берувчи
Илмий Кенгаш котиби,
к.ф.н., катта илмий ходим

Б.Ж. Элмурадов
Бир марталик Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги кўпгина давлатларда тадбиқ этилаётган Таълим индекси (Education Index) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) нинг умумий кўрсаткичидир. Индекс ижтимоий тараққиётнинг асосий кўрсаткичларидан (Human Development Index) бири ҳисобланади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) инсон тараққиёти бўйича махсус ҳисоботлари тўплами сифатида чиқарилган Инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш учун ишлатилади. Дунё аҳолисининг саводхонлиги ҳақидаги маълумотлар миллий рўйхатга олишнинг расмий натижаларидан келиб чиқади ва ЮНЕСКО статистика институти ҳисоб-китоблари билан таққосланади. Олий таълим муассасаларида органик кимёга оид тажрибаларни юқори самарадорликка эга замонавий ускуналарда тадқиқ этиш, органик моддаларнинг тузилиш формуласи, изомерлари, номланиши, олиниши, физикавий ва кимёвий хоссалари, амалий аҳамияти, қўлланилишини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Ҳар бир тажрибанинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб уни ўқитиш методикаси қўлланилади ва бу жараён илм фан ривожланиши билан мукаммалаша боради.

Жаҳонда юз бераётган COVID-19 пандемия шароитида олий таълим ўқитиш тизимига бир қатор янги ўзгартиришларни киритиш кераклигини кўрсатди ва бу ўз навбатида ўқитиш услуги воситаларига бўлган талаб эҳтиёжларнинг ўзгаришига олиб келди. Ушбу вазиятдан келиб чиқиб ривожланган давлатларда таълимнинг онлайн тизимда давом эттирилишига гувоҳ бўлдик. Таълим тизимини ҳам янги шароитларга тезкор мослашишга ва ўзгача тартиб-қоидалар бўйича иш олиб боришга мажбур қилди. Органик кимёга оид тажрибаларнинг ўрганиш методикасини анъанавий ўқитиш усуллари билан бир қаторда ахборот коммуникацион технология воситаларини жорий қилиб такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда таълимга эътибор давлат аҳамиятига молик соҳалардан ҳисобланади. Пандемия пайтида таълим соҳасида бир қанча ўзгаришлар юз берди, жумладан, масофавий таълимда ўқитишни жорий этиш ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ишлари бошланди. Олий таълим муассасалари платформаларида Moodle тизими, e-xujjat тизими шакллантирилиб, унга барча ўқув предметлари бўйича электрон ресурслар жойлаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта фавқулодда ташкил этилаётган масофавий таълимни жорий қилишда ўзига яраша муаммолар ва қийинчиликларга дуч келиш табиий эди. Zoom интернет платформасида ишлаш мисли кўрилмаган имкониятларни берди. Аммо кимё фанларини ўқитишда, жумладан, органик кимёда ҳам лаборатория ишларини бажариб натижаларни ўрганиш таҳлил, синтез, хулоса қилиш орқали кўникмаларни ҳосил қилишнинг ўрни борлигини эътироф этиш мумкин. Шу боисдан органик кимё фанини ўқитиш сифатини яхшилаш, таълим жараёнига инновацион ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, интеграциялаш,

аралаш таълим технологияси имкониятларидан фойдаланиш, талабаларнинг ақлий салоҳияти, ижодий қобилиятлари ва билиш даражасини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий методик таъминотни яратишга қаратилган самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда кимё ва биология фанларини ривожлантириш, ушбу йўналишларда таълим сифати ва илм-фан натижадорлигини ошириш- “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” давлат дастурининг устувор вазибалари қаторида белгиланган. “Зеро, ўғил-қизларимизни кимё ва биология фанлари бўйича чуқур ўқитиш ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноати тармоқларини жадал ривожлантиришга туртки беради ҳамда пировардида халқимиз турмуш шароити ва даромадларини оширишга пухта замин ҳозирлайди”-дейилган¹. Ўрта махсус, профессионал, олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланиш борасида узвий боғлиқлик, самарали мулоқот ва ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъминлаш, кимё ва биология фанлари бўйича таълим сифатини тубдан ошириш², жумладан органик кимёга оид тажрибаларни ўрганишда таълим муассасаларини замонавий лабораториялар, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ушбу йўналишларга малакали ўқитувчи-мураббийларни жалб этиш, кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланишда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш бўлажак кимё фани ўқитувчилари эгаллаши керак бўлган билим кўникма, малакалари давлат стандартларига ва халқаро таълим стандартларига мос келиши, эгалланган билимларини амалда қўллаш учун мос методлар ишлаб чиқилиши лозимдир.

Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштиришда талабалар эгаллаши керак бўлган билимларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг афзал усулларини амалиётга жорий қилишда, компьютер ва ахборот технологияларини мукамал эгаллаган кадрларни тайёрлаш муҳимдир. 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”³, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151 сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴, 2020-йил 12-августдаги ПҚ-4805 сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони 2017 йил 7 февраль

² ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020-йил 12-август қарори

³ ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор 2017 йил 20 апрель

⁴ ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги қарори

илм - фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони, ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Органик кимёга оид тажрибаларни бажаришда кўпгина тадқиқот топшириқлари: кичик ёки кичик қидирув вазифалари бўлиши керак, бу тадқиқот жараёнининг барча босқичларини ёки кўп қисмини босиб ўтишни талаб қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий фанларни ўқитиш, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш Ж.О. Толипова, А.А. Абдуқодиров, А.Х. Абдуллаев, Н.В. Апатова, У.Ш. Бегимқулов, Д.И. Юнусова Г. Эргашева Ҳ.Т. Омонов, Т.А. Азизов, Н.Г. Раҳматуллаев, Ш.М. Миркомиллов, М. Нишанов, Ш.К. Мамажанов, А. Хайитов, Н. Абдуллаева, В.Г. Юсупов, Ш.Ш. Бегматов, Н.А. Анварова, Ш. Исҳоқов, Э. Эшчанов, Ф.А. Алимова, Л.Т. Зайлобов, О.С. Стешина, М. Ажиева, С. Низомова ва Х.Ражабов, И.Э. Шерназаров, Ш.Х. Шомуротова, М.Ш. Аҳадов, Р.Ш. Бердиқулов ва Н.И. Камоловалар томонидан ўрганилган. Уларнинг фикрича, ўқитиш методикасининг дидактик тамойиллари, ўқув жараёнини компьютерлаштириш ва тестлардан фойдаланиш барча даражадаги таълимни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, фан асосларини чуқур ўрганиш, бутун ўқув жараёнини жадаллаштириш учун кенг имкониятлар яратади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу соҳада В.М. Верховский, А.А. Грабецкий, Д.П. Ерыгин, П.Н. Жуков, Л.С. Зазнобина, Т.С.Назарова, К.Я. Парменов, В.Г. Полосин, М.Г. Чернобелский, З.И. Пилипенко, В.И.Толкунов, И.Н.Чертковлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда турли техник воситалардан фойдаланиб ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари, педагогик дастурлаш воситаларини таснифлаш, ўқитишни компьютерлаштириш муаммолари, хусусан, назорат ишларини тузиш, кимёвий жараёнлар ва ходисаларни моделлаштириш, кимёвий тажрибаларни компьютерлаштиришда электрон таълимий воситалардан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Хорижлик олимлар R. Chang, Z. Tatli, A. Ayaslar кимё фанининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил этган бўлса, J.L. Davenport, N.R. Herga ва D. Dinevski, C. Tuysuz, K.M. Deters, R. Kozma,

J. Ruzell va бошқаларнинг тадқиқот ишларида эса бевосита компьютерлардан фойдаланиш муаммолари ўрганилган. Таълим соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, педагогик технологияларни қўллаш замонавий лаборатория хоналарида ўқитиш методикасини яратиш ҳамда илмий жиҳатдан асосланган ўқитишни такомиллаштириш бўйича кўпгина олимлар, жумладан, Л.А. Савченко, М. Seery, S. O'Brien va бошқаларнинг илмий изланишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Адабиётлар таҳлилидан республикамизнинг педагогика олий таълим муассасаларида Органик кимё фани негизида органик кимёга оид тажрибаларни ўрганишда тизимли ёндашув ва инновацион таълим технологиялари асосида ўқитиш методикаси етарлича ўрганилмагани маълум бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган Олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2016 йил 22 декабрдаги 6-сон баённомаси билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими ва олий таълимда кимё фани ва уни ўқитиш методикасини такомиллаштириш” номли устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг ўқув фаолиятида органик кимёга оид тажрибаларни бажариш кўникмасини шакллантиришда, фаннинг хусусий методларини қўллаш (эвристик, илмий-тадқиқот, қисман изланувчанлик) ўзлаштириш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида ўқитилаётган органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методларини таҳлил қилиш, таълим жараёнида репродуктив, продуктив ва когнитив усулларни қўллаш, инновацион технологияларидан фойдаланиш асосида талабаларнинг ижодий-таҳлилий қобилиятларини ривожлантиришни белгиловчи мезонларни аниқлаш;

органик кимёга оид тажрибалар ўрганиш методикасини такомиллаштиришда фаолиятли, мотивацион, рефлексив ёндашув воситасида илмий-тадқиқот, изланувчанлик методлари асосида талабаларнинг ноодатий вазиятларда илмий асосланган хулоса чиқариш кўникмасини ривожлантиришда педагогик таъсир воситаларини қўллаш асосида Блум таксономиясини жорий этиш таъсирчанлигини такомиллаштириш.

педагогика олий таълим муассасаларида “Органик кимё” фанидан тажрибаларни ўрганишда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини оширишда мустақил ишлар, тўғарақларнинг ўрни, фанлараро боғланиш, илмийлик, ҳаётийлик, интерфаоллик тамойиллари дидактик имкониятларини такомиллаштириш ва самарадорлигини аниқловчи материаллар ишлаб чиқиш;

органик кимё фани ўқитилаётган педагогика олий таълим муассасалари учун компетенциявий ёндашув асосида органик кимёга оид тажрибаларни

ўрганиш методикасини такомиллаштирилган дидактик таъминотини яратиш ва уни амалиётда тажриба-синовдан ўтказиш;

Тадқиқотнинг объекти педагогика олий таълим муассасалари кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши талабаларига “Органик кимё” фанини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтидан жами бўлиб 418 нафар талабалар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети педагогика олий таълим муассасаларида органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасининг мазмуни, шакллари такомиллаштиришнинг усул ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов таҳлили, умумлаштириш, ижтимоий методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат, адаптив тест, эксперт баҳолаш), педагогик тажриба-синов, математик статистика методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини таълим жараёнида репродуктив, продуктив ва когнитив усуллари қўллашнинг компетенциявий мазмуни инновацион технологияларидан фойдаланиш асосида талабаларнинг ижодий-таҳлилий қобилиятлари ривожлантирилган;

тадқиқот иши доирасида органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштиришда фаолиятли, мотивацион, рефлексив ёндашув воситасида илмий-тадқиқот, қисман изланувчанлик методларига устуворлик берилиб, талабаларни ноодатий вазиятларда илмий асосланган хулосалар чиқариш кўникмаси ривожлантирилган;

тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида педагогика олий таълим муассасаларида органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикаси педагогик таъсир воситаларини қўллаш, Блум таксономияси бўйича ишлаб чиқилган адаптив тест саволлар, топшириқлар, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини оширишда мустақил ишлар, тўғарақларнинг ўрни ёритилган ва самарадорлигини аниқловчи материаллар ишлаб чиқилган;

фанлараро боғланиш, илмийлик, ҳаётийлик, интерфаоллик тамойиллари дидактик имкониятларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилганлиги ишнинг амалий аҳамиятини янада оширган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштиришнинг модели, репродуктив, продуктив ва когнитив усуллари қўллашнинг компетенциявий мазмуни инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида талабаларнинг ижодий-таҳлилий қобилиятлари шакллантирилган;

педагогика олий таълим муассасаларида органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикаси педагогик таъсир воситаларини қўллаш асосида курс ишлари, мустақил ишлар, тўғарақлар учун шахсга йўналтирилган таълим-технологиялари асосида (модулли ўқитиш, ўқув

лойиҳалар, Кейс-стади, ВЕНН диаграммаси, Кластер, Ментал харита) услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

органик кимёга оид тажрибалар ўрганиш методикасини такомиллаштиришда илмий-тадқиқот, қисман изланувчанлик методлари асосида талабаларни ноодатий вазиятларда илмий асосланган хулосалар чиқариш кўникмасини шакллантириш орқали қиёсий таҳлил амалга оширилган;

органик кимё фани ўқитилаётган педагогика олий таълим муассасалари учун компетенциявий ёндашув асосида органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштирилган дидактик таъминоти яратилиб тажриба-синовдан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:

тадқиқот ишида қўлланилган ёндашув ва методикалар, фойдаланилган назарий ва амалий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар ёрдамида асосланганлиги, методика, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикаси таълим жараёнида репродуктив, продуктив ва когнитив усуллар қўллашнинг компетенциявий мазмуни инновацион технологияларидан фойдаланиш асосида талабаларнинг ижодий-таҳлилий қобилиятларини ривожлантиришни белгиловчи мезонларни аниқлаш методик асос бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади;

педагогика олий таълим муассасаларида органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикаси педагогик таъсир воситаларини қўллаш, Блум таксономиясини жорий этиш таъсирчанлигини такомиллаштиришда курс ишлари, мустақил ишлар, тўгараклар учун йўриқномалардан шахсга йўналтирилган таълим-технологияларини қўллаш асосида (модулли ўқитиш, тренинг, ўқув лойиҳалар, Кейс-стади, ВЕНН диаграммаси, Кластер, Ментал харита) фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади;

педагогика олий таълим муассасаларида ўқув билиш фаолиятини ташкил этишдаги ўқитиш шакллари мазмунини бойитиш органик кимёга оид тажрибаларни ўрганишда педагогик таъсир воситаларини қўллаш асосида фанлараро боғланиш, илмийлик, ҳаётийлик, интерфаоллик тамойиллари бўйича тузилган топшириқлардан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида органик кимёга оид тажрибаларни ўрганишни такомиллаштиришда илмий-тадқиқот, қисман изланувчанлик методларидан ноодатий вазиятларда таҳлил қилиш, синтез, таққослаш, қиёслаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш кўникмасини шаклланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Органик имё фанини ўқитиш жараёнида тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

органик кимёга оид таълим жараёнида репродуктив, продуктив ва когнитив усулларини қўллашнинг компетенциявий мазмуни инновацион технологияларидан фойдаланиш асосида талабаларнинг ижодий-таҳлилий қобилиятларини ривожлантиришни белгиловчи мезонларни аниқлашга оид таклифлар акс эттирилган “Kimyo asoslari” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғи билан берилган 274-240-сон гувоҳномаси). Натижада, фанга оид хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш имконияти оширилган.

Органик кимёга оид тажрибалар ўрганиш методикасини такомиллаштиришда фаолиятли, мотивацион, рефлексив ёндашув воситасида илмий-тадқиқот, изланувчанлик методларига устуворлик берилиб, талабаларни ноодатий вазиятларда илмий асосланган хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантиришга оид таклифлар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган. (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2021-йил 13-сентябрь 02-07-2362/-04 - сон далолатнома). Натижада, талабаларда билим, амалий кўникма ва малакаларининг ривожланишига ва самарадорлигини аниқланишига хизмат қилган.

Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикаси педагогик таъсир воситаларини қўллаш асосида Блум таксономиясини жорий этиш таъсирчанлиги такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Organik kimyo” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сон буйруғи билан берилган 394-131 сон гувоҳнома). Натижада, органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини фанлараро интеграциясини янада ривожлантиришга эришилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида “Органик кимё” фанидан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини оширишда мустақил ишлар, тўғаракларнинг ўрни, фанлараро боғланиш, илмийлик, ҳаётийлик интерфаоллик тамойиллари дидактик имкониятларга устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Kimyo o‘qitish metodikasi” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғи билан берилган 356/7-021-сон гувоҳнома). Натижада, органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштиришда когнитив билиш фаолиятини шакллантириш имкони оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 2 та мақола хорижий, 5 та мақола республика илмий журналларда, шунингдек, 1 та методик қўлланма, 3 та ўқув қўлланма, 1 электрон дарслик нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларини педагогик тажриба-синовдан ўтказиш, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг олий таълим муассасаларида “Органик кимё фанини ўқитишнинг назарий асослари” деб номланган **биринчи бобида** органик кимёга оид тажрибаларни ўрганишнинг мазмуни таркибий қисми бўлган фаолият турлари – кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган усулларни аниқлаштирилган ва уларни бажариш методлари ўрганилган. Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш бўйича талабаларда шакллантирилиши зарур бўлган асосий кўникмалар аниқланган, шунингдек, хорижлик ва юртимиз олимларининг органик кимё фанининг ўқитилиши бўйича олиб борган тадқиқотлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотнинг мавзуси: “Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштириш” бўлиб, ушбу тадқиқот ишида педагогика ОТМнинг кимё ўқитиш методикаси йўналиши талабаларида таълим тарбия жараёнини репродуктив ва продуктив шакллари зарур бўлган билим кўникма малака, компитенцияларини ўқув қўлланма ва ахборот-коммуникация воситалари билан ишлаш, матн устида ишлаш, ақлий фаолият кўникмалари ҳамда таълим мазмунининг ижодий фаолият тажрибалари, қадриятлар тизими, ўқитиш жараёнида аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги қутилмаган вазиятларда ижодий қўллаш, бир сўз билан айтганда фаол ўқув-билиш фаолиятига қўйиладиган талаблар баён қилинган. 1-жадвалда кимёга оид тажрибаларни бажариш турлари кўрсатилган.

Органик кимё фанини ўқитишда ўқитувчи томонидан оғзаки баён методлари, кўргазмали методлар, амалий метод, муаммоли изланиш методларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши илмий-услубий

жиҳатдан асосланган. Интеллектуал ривожланишининг энг юқори даражасида ижодий фаолият тажрибасини тўлиқ ўзлаштириш ва бир вақтнинг ўзида билим ва кўникмаларни ўзлаштириш учун тадқиқот усули қўлланилади. Бу, биринчи навбатда, ушбу усулларни излаш ва уларни қўллаш жараёнида илмий билиш усулини ўзлаштиришни таъминлаш учун мўлжалланган. Иккинчидан, у ижодий фаолиятнинг хусусиятларини шакллантиради. Учинчидан, бу талабаларнинг қизиқишини оширади. Тўртинчидан, у тўлиқ, яхши тушунилган, самарали ва эгилувчан билимларни беради.

1-Жадвал.

Кимё тажрибаларининг турлари

Намойишли тажрибалар	Лаборатория тажрибалари	Амалий иш
1. Янги материални ўрганиш 2. Кимёвий объектлар ҳақида ғоялар яратиш 3. Янги кимёвий тушунчаларни шакллантириш 4. Қурилмалар, операциялар, хавфсизлик чораларини кўрсатиш. 5. Тадқиқот воситаси, расмлар.	1. Янги материални ўрганиш 2. Янгисини самарали ассимиляция қилиш 3. Кучли ва чуқур билимларни шакллантириш. 4. Экспериментал кўникмаларни шакллантириш. 5. Тадқиқот воситаси, расмлар.	1. Ўрганилган материални мустаҳкамлаш, қўллаш. 2. Билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ривожлантириш 3. Тажриба бажаришдаги кўникмаларни такомиллаштириш. 4. Умумий экспериментал кўникмаларни шакллантириш. 5. Асосан тасвирий воситалар

Органик кимёга оид тажрибаларни ўқитувчи ўзи, баъзан талаба (махсус тайёрланган) ўтказди. Қилинадиган тажрибанинг асосий вазифалари:

-кимёвий ходисаларнинг моҳиятини очиш;

-талабаларни лаборатория жиҳозлари (қурилмалар, асбоблар, кимёвий шиша идишлар, реагентлар, материаллар) билан таништиришдир.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши органик кимё фанларини ўқитишни ҳам тубдан қайта ташкил қилинишини тақозо қилмоқда. Талабаларнинг янги эҳтиёжларини (бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, таълим олиш, ўрганиш, билиш ва бошқа) эҳтиёжларини қондиришда янги хизматларни ривожлантиришни рағбатлантириш лозим. Бугунги кунда интернет тармоғининг веб-саҳифалари орқали бир қатор хизматларни тақдим этилмоқда. Лекин, органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасининг ўзбек тилида яратилган дарс ишланмалари, саволлар, тестлар-уларнинг онлайн мавзулаштирилган ва криативлик параметрлари, анимациялар, тақдимотлар, видеодарслар етарли ва сифатли эмаслиги бу каби ахборотларни яратиш ва тақдим қилишда изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларида “Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганишда методик ёндашувлар” деб номланган **иккинчи - бобид**а фаннинг мазмуни ва уларни танлаш тамойилларини ўрганишга доир ўқув – методик, дидактик, илмий адабиётлар таҳлилларидан маълум бўлдики, мазкур материаллардан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим – тарбиявий ишларни мазмун ва сифат жиҳатдан такомиллаштиришга, талабаларда назарий билим, амалий кўникма, малакалар ва компетенциялар шаклланишига кенг имконият яратади.

Таълим тизимлари ва шахсий таълим ютуқлари даражасида таълим фаолияти жараёни ва натижаси сифатида сифат тушунчасининг моҳиятини очиқ бериш (А.П. Беляева, Б.Г. Гершунский, М.С. Пак); таълим ва тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга босқичма-босқич ёндашиш, таълим сифатини диагностикасини таъминлайди (В.П. Беспалько, А.А. Кыверялг, И.Я. Лернер, А.В. Усова, В.П. Гаркунов, И.М. Титова, Г.И. Якушева, А.Э. Карпушов, И.В. Шутова, И.С. Иванова); таълим фаолиятининг айрим жиҳатлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва таълим технологияларини тизимлаштириш, муаллифлик мактабларига асос солиш бир қатор олимларнинг (Ю.К. Бабанский, А.П. Беляева, В.П. Беспалько, Л.Я. Зорина, Г.И. Щукина, В.П. Гаркунов, В.И. Ростовцева, М.С. Пак, Р. Гмох, Г.Н. Фадеев, В.Н. Давыдов, Н.М. Дергунова, Ю.Ю. Гавронская, А.Л. Зелезинский, А.Э. Карпушов, А.Н. Лямин, И.С. Иванова, Е.С. Павлова, Д.К. Бондаренко) ишларида акс этган.


Биз кимё таълимининг сифатини бу жараённинг ташқи ва ички аниқлиги (унинг мақсад ва вазифалари, даражалари, мазмун таркибий қисмлари, босқичлари, усуллари, воситалари, шакллари, шартлари) ва натижада эришилган ва мужассамлашган оптимал мувофиқлигини акс эттирувчи натижа сифатида тушунамиз. Кимё таълимининг сифатини таъминлаш, шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг мавжуд ва потенциал эҳтиёжларини қондирмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикаси мазмунини яратишга доир материаллар қуйидаги муаммоларни ҳал этиши зарур:

Жорий қилинаётган педагогик технологияларнинг асосий вазифаси талабаларга бериладиган билимларни ўзлаштирилишининг самарадорлигини оширишдир. Органик кимёдаги мавзулар мазмунини талабаларга етказиб беришда, ўқув жараёнининг мақсадини аниқ белгиланиши унинг зарурий самарадорлигини таъминлаш ва талабалар томонидан ўқишнинг қўзланган натижаларига эришишдир. Ўқув жараёнида дарс машғулотлари ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланиб ташкил этилса, яъни ўқитувчи↔талаба↔талабаларнинг машғулот давомида фаоллиги ошади, мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожланади, ижодий тафаккури кучаяди, муаммоларни ечимини энг мақбулини танлаш фаолияти мустаҳкамланади, айниқса илм олишга бўлган интилиш янада ошади.

Органик кимё лаборатория машғулотларида мавзудан келиб чиқиб, идишларни йиғиш, танлаш ва реактивлардан фойдаланиш кўникмаларини

ривожлантириш, ҳисоботларни расмийлаштириш, аниқ натижа олишда илмий ёндашиш муҳим ҳисобланади. Юқори самарадорликка эга бўлган ўқитиш технологияларини таълим жараёнига қўллаш, дарс машғулотларини ҳаёт билан боғлаш, фанлараро интеграцияни очиб бериш муҳим (1-расм).



1-расм. Органик кимё фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Органик моддаларнинг тузилиш формуласи, изомерлари, номланиши, олиниши, физикавий ва кимёвий хоссаларини ўрганиш, амалий аҳамиятини, қўлланилишини ўрганишда муаммоли методларни қўллаш, “Кластер”, “Таққослаш жадвали”, “ВЕНН диаграммаси”, “Қандай?” каби педагогик технологияларини (график органайзерлардан) қўллаб дарс ишланмалари яратилиб, қўлланилиб келинмоқда. Узлуксиз таълим жараёнида педагогик фаолият ҳаётда юзага келадиган ҳар қандай вазиятда касбий шахсий ўсишга олиб келади.

Тадқиқот иши бажарилишида юқорида айтиб ўтилган педагогик технологиялардан ташқари-“Ментал харита”, “Кейс-стади”, ўқув лойиҳалар Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш жараёнида адаптив тестлардан -Му test, iSpring suite8 дастури воситасида мавзу мазмуни асосида ностандарт, адаптив тест топшириқларидан фойдаланилди ва талабаларнинг креативлигини баҳолашга имкон яратилди.



2-расм. Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикаси такомиллаштириш модели.

Органик кимёга доир тажрибаларни ўрганишда мавжуд методикаларни инкор этмаган ҳолда инновацион методлардан фойдаланишдан иборатдир. Шу билан бир қаторда олий таълимда ўқитишнинг барча шаклларида: маъруза, лаборатория машғулоти, аудиториядан ташқари машғулоти, курс ишлари, мустақил таълимнинг дидактик мақсадларини эътиборга олган ҳолда инновацион технологияларни танлаш ва жорий этишда илмий янгиликлардан фойдаланиш муҳимдир. Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштириш модели 2-расмда келтирилди.

Ўқитишнинг асосий шакллари бўлган маъруза ва лаборатория машғулотида ўрганиладиган мавзунини мазмунини эътиборга олган ҳолда педагогик ҳамда, интерфаол технологиялар ёрдамида талабаларни фаоллаштирилади.

Педагогика олий ўқув юртида органик кимё фанини ўқитишда Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий изланишлар ҳақида мавзу доирасида маълумотлар келтириб ўтилади. Бундай ёндашув талабаларда фанга бўлган қизиқишнинг орттиришига, Ватанпарварлик, миллий ғурурни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўқитувчи ва талабалар ўзаро мулоқотида турли воситалардан фойдаланилади. Бевосита таъсир яъни ўқитувчининг ташқи кўриниши, нутқи, маданияти, гапириш оҳанги, юз туси, мимикаси тушунтиришда,

темпераменти, хулқ атвори ҳам алоҳида асосий ўринлардан бири ҳисобланади. Тажрибалар бажариш орқали қайта текшириш, олинган натижани баҳолаш ва яна қандай усуллар мавжудлиги ҳақида талабаларда гипотезалар шаклланиши мумкин ўз қобилиятини эришган ютуқларини баҳолаш орқали фанни осон тушунишга эришади. “Ментал харита” усулидан фойдаланганда талабаларнинг органик кимёдан назарий маълумотларини қандай қабул қилганлиги ва уларни қайта ишлаб тушуниб, таҳлил қилиб, чизмада ифода этиш орқали билимларини ривожлантиришга олиб келади. Ҳар бир мавзунини ҳаёт билан боғлаш орқали унинг аҳамияти янада ойдинлаштирилади. Лаборатория машғулотларида Кейс-стадидан фойдаланилганда талабаларнинг фаоллиги, мантиқий фикрлаш, муаммоларнинг ечимини топишда китоб билан ишлаш кўникмалари шаклланади.

Тадқиқот ишининг “Органик кимёга оид тажрибаларни ўрганиш методикасини такомиллаштириш педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш” деб номланган **учинчи боб** педагогик тажрибанинг умумий мақсади ва вазифалари баён қилинган.

Тадқиқот ишлари илмий тадқиқотнинг умумий мақсади ва вазифаларига мувофиқ, 2017 йилда бошланди ва бир неча босқичда олиб борилди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида (2017–2018 йй.) тадқиқот муаммосига оид илмий-методик адабиётлар тўпланди, Кимё ўқитиш методикаси йўналишида “Органик кимёга доир тажрибаларни ўрганишда инновацион технология ёрдамида ўқитиш учун адабтив тестлар, слайдлар ва тарқатма материаллар савол ва топшириқлар, видеодарслар тайёрланди, талабаларда пайдо бўладиган кўникмаларнинг гуруҳлари ва малакалари ўрганилди, методик тавсиялар, иш дафтарлари ишлаб чиқилди, ҳамда тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш учун таълим муассасалари белгиланди.

Тажриба-синовнинг иккинчи босқичида табиий фанлар факультетининг “Кимё ўқитиш методикаси” йўналиши 2-курслари учун “Органик кимё” фанини ўқитиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида талабалар билан сўровнома, суҳбатлар ўтказилди. 2017–2018 йилларда ўтказилган сўровномада 2016 й ишлаб чиқилган “Organik kimyo” номли маъруза ва лаборатория машғулотлари учун таълим технологиялари асосида дарс ишланмалари методик қўлланмаси фойдаланилди. Олинган натижаларга кўра “Органик кимё” фанини ўқитишда ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билим, кўникма, малака ва компетенциялар шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида илмий мушоҳадалар билан бойитилган “Organik kimyo” номли ўқув қўлланма 2019 йилда нашрдан чиқарилди фан ва ишчи дастурга киритилди. Университет ва турдош олий таълим кутубхоналарига тарқатилди.

**2017-2018 ўқув йилида олинган натижаларни юқоридаги формулага
мос ҳолда ёзилиши**

Таълим муассасалари	Танланмалар	Ўзлаштириш кўрсаткичлари			Ўқувчилар сони
		“5” баҳо	“4” баҳо	“3” баҳо	
Низомий номли ТДПУ 2017–2018 ў.й.	Назорат гуруҳи	$O_{11}= 1$	$O_{12}=4$	$O_{13}=14$	$n_1= 19$
	Тажриба гуруҳи	$O_{21}=8$	$O_{22}= 9$	$O_{23}= 2$	$n_2= 19$
		$O_{11}+ O_{21}=9$	$O_{12}+O_{22}=13$	$O_{13}+O_{23}=16$	$n_1+n_2=38$
Қўқон ДПИ 2017–2018 ў.й.	Назорат гуруҳи	$O_{11}= 0$	$O_{12}= 5$	$O_{13}= 16$	$n_1=21$
	Тажриба гуруҳи	$O_{21}= 4$	$O_{22}= 14$	$O_{23}= 3$	$n_2= 21$
		$O_{11}+ O_{21}=4$	$O_{12}+O_{22}= 19$	$O_{13}+O_{23}= 19$	$n_1+n_2= 42$
Жиззах ДПИ 2017–2018 ў.й.	Назорат гуруҳи	$O_{11}= 1$	$O_{12}= 3$	$O_{13}= 16$	$n_1=20$
	Тажриба гуруҳи	$O_{21}= 8$	$O_{22}= 8$	$O_{23}= 4$	$n_2= 20$
		$O_{11}+ O_{21}=9$	$O_{12}+O_{22}= 11$	$O_{13}+O_{23}= 20$	$n_1+n_2= 40$

